

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ РЕСУРС БАЗАСИНИ
МУСТАХКАМЛАШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ
МАСАЛАЛАРИ**

Абдуллаев Ахроржон Акмалжон ўғли

Марказий банк Андижон вилояти

Бош бошқармаси “Ижро аппарати”

бўлими бош иқтисодчиси

Тижорат банклари ресурслари банк бошқарувида муҳим аҳамият касб этади. Уларнинг зарурлиги банк амалга ошираётган актив фаолиятда ҳамда перациялар миқдориди билинади. Тижорат банклари ўзларининг актив фаолиятини ўзларида мавжуд бўлган ўз ва жалб қилинган пул маблағлари доирасида юрита оладилар. Айнан пассив операциялар актив операцияларни олиб бориш учун асос яратади ҳамда даромадли операцияларининг ҳажмини ва кўламини аниқлаб беради. Шундан келиб чиқиб, тижорат банклари ресурслари деганда, актив операцияларга асос яратувчи ва уларни амалга ошириш учун ишлатилувчи, уларнинг ҳажми ва масштабини аниқлаб берувчи маблағларга айтилади.

Тижорат банклари ресурслари ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлардан иборатдир. Ундан ташқари унинг актив операциялари объекти орқали аниқланадиган банк фаолиятининг кўлами, улар жойлаштирадиган ресурслар ҳажми, миқдори, жалб қилинган маблағлар суммасига боғлиқ бўлади. Бундай ҳолат ресурсларни жалб қилиш бўйича банклар ўртасида рақобатни келтириб чиқаради. Тижорат банкларининг иқтисодиётдаги бўш пул маблағларни етарли даражада жалб этиши ва ушбу маблағларни самарали жойлаштиришни бошқариш ҳозирги кунда уларнинг муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда аҳолининг бўш пул маблағларини банк омонатларига кўпроқ жалб қилиш, жозибадор омонатларни мунтазам жорий этиш орқали уларнинг манфаатдорлигини ошириш ҳамда энг муҳими омонатчиларнинг ишончини янада мустаҳкамлашга қаратилган қонунчилик базасини ҳар томонлама такомиллаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Айни вақтда, республикада тижорат банкларининг депозит сиёсатини амалга оширишда, жумладан, уларнинг депозит базасини мустаҳкамлашда бир қатор муаммолар мавжудлиги кўзга ташланмоқда. Масалан, Тижорат банкларининг жами мажбуриятлари 2023 йил 1 январь ҳолатига 477 трлн сўмни ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан қарийб 1,3 баробарга кўпайди. Мазкур ҳолат 2022 йилда

банкларнинг ресурс базасини ошириш ҳамда иқтисодиётнинг кредитларга бўлган талабини қондириш бўйича кўрилган чоралар билан изоҳланади. Мажбуриятлар ўсишининг 59 фоизи депозитлар, 23 фоизи банклараро кредит ва депозитлар, 12 фоизи жалб қилинган кредит маблағлари ҳамда 6 фоизи бошқа мажбуриятлар ҳисобига шаклланди. 2023 йил 1 январь ҳолатига жами мажбуриятлар таркибида депозитлар – 45 фоизни, жалб қилинган кредит линиялари – 39 фоизни, бошқа банклардан олинган маблағлар – 9 фоизни, қимматли қоғозлар, субординар қарзлар ва бошқа мажбуриятлар – 7 фоизни ташкил этди. Ҳисобот йилида аҳоли омонатлари қолдиғи 1,7 баробарга ошиб, 63,1 трлн сўмга етди, жумладан, миллий валютада жалб этилган омонатлар қолдиғи 39,5 трлн сўмга, жами аҳоли омонатларидаги улуши эса 62,5 фоизга тенг бўлди¹.

Банкнинг ўз маблағлари – бу банкка тегишли бўлган маблағлар бўлиб, уларга банк капитали, тақсимланмаган фойда, келгуси давр даромадлари, ҳисобкитоблар тизимидаги ўз маблағлари ва номоддий активлар киради. Тижорат банклари пасивларининг иккинчи гуруҳи – бу жалб қилинган маблағлардир. Жалб қилинган маблағлар депозит ҳамда нодепозит манбаълардан иборат.

Тижорат банклари баланси пасивининг асосий улушини мажбуриятлар ташкил этиб, улар жами банк ресурслари таркибида 85–90 фоиздан иборат бўлади. Банк капитали унинг фаолиятида ўта муҳим аҳамиятга эга. Капиталнинг миқдори қанча катта бўлса, унинг омонатчилари, кредиторлари ва миждозларининг банкка бўлган ишончлари шунча юқори бўлади, чунки капитал ҳажми банкнинг мустаҳкамлигини ифодалайдиган белгилардан бири.

Банк ресурсларини шакллантиришнинг асосий жиҳатлари:

- банкнинг депозит базасини мустаҳкамлаш;
- ресурсларни жалб қилиш харажатларининг даражаси;
- депозитларга нисбатан қўлланиладиган фоиз ставкаларининг турларидан оқилона фойдаланиш;
- мажбуриятларнинг ликвидлилигини бошқариш;
- депозитларнинг салмоғини ўрганиш;
- қимматли қоғозларни сотиш йўли билан банкнинг ресурслар базасини мустаҳкамлашдан иборатдир. Банк ресурсларини қимматли қоғозлар ҳисобидан шакллантиришнинг асосий мезони мамлакатда пул бозорлари, асосан иккиламчи қимматли қоғозлар бозорининг ривожланганлик даражасига боғлиқ. Бундан

¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2022 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисобот. <https://cbu.uz/upload/medialibrary/040/qw2nh6p94g1jzy19fv16v1q69o6d021w/Yillik-hisobot-2023.pdf>

ташқари, банкларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини жалб қилиш мақсадида тижорат банклари томонидан узоқ муддатли облигациялар ва депозит сертификатларининг чиқарилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги кунда тижорат банклари томонидан жалб қилинаётган аҳоли омонатлари таркибида муддатли ва жамғарма омонатларининг улуши барқарор ресурс манба ҳисобланиб, банкларнинг узоқ муддатли кредитлаш имкониятларини кенгайтиради. Аҳоли жамғармаларини банкларга жалб қилиш жуда муҳим ва аҳамиятли масала бўлиб ҳисобланади, бунинг сабаби қуйидагиларда намоён бўлади:

- аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини банкларга жалб қилиш орқали пул айланишини тезлигини ошириш ва миллий валютани барқарорлигини таъминлаш мумкин;
- пулларни назорат қилиш орқали солиқ базасини ошириш ва яширин иқтисодиётни чеклаш;
- нақд пулга бўлган талабни қондириш орқали инфляцияни олдини олиш.

Ҳозирги кунда аҳолининг банкларга бўлган ишончини ошириш ҳамда аҳоли ва банк ўртасида тенг ҳуқуқлик ҳамкорликни амалга ошириш натижасида уларнинг иқтисодиётдаги салмоғини ошириш ва банк томонидан маблағлардан самарали фойдаланишни таъминлаш ҳамда аҳолига юксак даражада хизмат кўрсатиш долзарб ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш мақсадида аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг пул маблағларини узоқ муддатли депозитларга жалб қилишни рағбатлантириш, капиталлашув даражасини янада ошириш орқали депозит базасини мустаҳкамлаш, халқаро амалиётдан келиб чиққан ҳолда банк депозитлари таркибида муддатли депозитлар ҳажмини ошириш ҳамда тижорат банклари депозит сиёсатини такомиллаштириш ва бошқаларни амалга ошириш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Mishkin, F. S. *The Economics of Money, Banking and Financial Markets*. 11-chi nashr. Pearson Education, 2019.
2. Rose, P. S., Hudgins, S. C. *Bank Management & Financial Services*. McGraw-Hill Education, 2013.
3. Saunders, A., Cornett, M. M. *Financial Institutions Management: A Risk Management Approach*. McGraw-Hill, 2018.

4. Kashihara, A. (2020). "Bank Deposit Formation and Economic Development". *Journal of Banking Research*, Vol. 12(3), 45–59.
5. Cecchetti, S. G., Schoenholtz, K. L. *Money, Banking, and Financial Markets*. McGraw-Hill, 2017.
6. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki (2023). *Tijorat banklari faoliyati va kredit portfeli bo'yicha statistik hisobot*. Toshkent: Markaziy bank nashriyoti.